# “Ҳоким ва ёшлар учрашуви”

Данғара тумани ҳокимининг туманимиз ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.
“Ҳоким ва ёшлар” учрашувида туман ҳокими сўзга чиқиб, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан йўлга қўйилган “Ёшлар дафтари” орқали Данғара тумани  ёшларига кўрсатилган манзилли ёрдамлар, туманда ўтган давр мобайнида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилган ишлар, амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.
Самимий ва ошкора руҳда ўтган тадбирда уюушмаган ёшлар, ўқувчилар, ёш тадбиркорлар, иқтидорли спортчи ёшларнинг илғор ғоялари, таклиф ва ташаббуслари билан яқиндан танишилди.
Учрашув давомида ўз ютуқлари билан туманнинг ривожлантириш ва юксалтириш ишига ҳисса қўшиб келаётган, ташаббускорлик ва ташкилотчилик борасида тенгдошларига алоҳида намуна кўрсатаётган ёшлар туман ҳокимининг Ташаккурномалари ҳамда совғалари билан тақдирландилар.